



## СУВ ТОШҚИНИ БИЗ УЧУН АЧЧИҚ САБОҚ ...

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев мамлакатнинг қатор вилоятларида сув тошқини оқибатида юзага келган оғир вазият муносабати билан Қозоғистон халқига мурожаат йўллади.

Хурматли ватандошлар!  
Бугун мен юртимиз фуқароларига алоҳида мурожаат йўлламоқдаман. Барчангизга маълумки, ҳозир мамлакатда вазият ўта мураккаб. Қорнинг тез эриши туфайли ҳудудларда тошқинлар содир бўлмоқда. Бу – табиий офат. Бундай ҳолат узок йиллардан бундан кузатилмаган. Бу сўнгги 80 йилдаги энг йирик табиий офатдир.

Сув тошқини сабабли мамлакатнинг ўнта вилоятида, яъни Абай, Ақмўла, Ақтўбе, Атиров, Фарбий Қозоғистон, Қарағанди, Қўстанай, Павлодар, Шимолий Қозоғистон ва Улитов вилоятларида фақуллода вазият эълон қилинди.

Ижро ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар бердим. Ҳозирда барча зарур чоралар кўрилмоқда. Ҳукумат сув тошқини оқибатларини бартараф этиш борасида барча имкониятларни ишга солмоқда.

Бош вазир раҳбарлигида Республика штаби тузилди. Бош вазирнинг ўзи, унинг ўринбосарлари ва Фақуллода вазиятлар вазирлиги табиий офат содир бўлган ҳудудларни бориб кўрмоқда. Барча қутқарув ишлари менинг бевосита назоратим остида.

Тошқинга қарши курашга Фақуллода вазиятлар вазирлигининг барча кучлари жалб қилинган. Шунингдек, қутқарув ишларида Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Қуролли Кучлар ва Миллий хавфсизлик қўмитаси мутахассислари фаол иштирок этмоқда. Зарар кўрган вилоятлар маъмуриятлари кечаю кундуз ишламоқда. Ўн минглаб кўнгиллилар ҳам ёрдам беришмоқда.

Вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, биз қийинчиликни, албатта, енгиб, сел зарар етказган уй-жой бинолари ва иншоотларни тиклаймиз. Энг муҳими, фуқароларнинг фаровонлиги.

Тошқиндан жабр кўрган фуқароларга шуни айтмоқчиманки, давлат бирорта ҳам одамни эътиборсиз қолдирмайди. Барчангизга моддий ёрдам кўрсатилади.

Халокатли тошқин биз учун аччиқ сабоқ бўлиб, тегишли хулосалар чиқаришимиз керак.

Табиий офатларнинг олдини олиш ишларидаги камчиликлар, сув ҳўжалиги мутахассисларининг тақчиллиги, табиатга лоқайд муносабат каби кўплаб масалаларни ҳал этиш зарур. Ҳукумат ва маҳаллий ижро органлари сув тошқинларига қарши курашни самарали мувофиқлаштиришлари керак. Сув босган ҳудудларда қонуний тартибни таъминлаш зарур.

Менинг буйруғим билан Мудофаа вазирлиги табиий офатга қарши кураш учун кўшимча ҳарбий кучларни йўллади. Ҳукуматта давлат моддий захирасидан халққа ёрдам беришни топшираман. Шунингдек, Ҳукумат харажатларни қоплашнинг самарали усулларини зудлик билан кўриб чиқиши керак. Буни жабрланган фуқароларга ҳар томонлама тушунтириш зарур. Тақдим этилган бадал зарарни тўлиқ қоплаши жоиз.

Вазият мураккаброқ ҳудудлардаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ҳукумат раҳбари ўринбосарларига минтақаларга чиқишни топшираман. Вазият яхшиланмагунча улар ўша жойларда бўлишди. Ахборот штаблари фуқароларни давлат томонидан кўрилаётган барча чора-тадбирлар тўғрисида мунтазам ва ҳар томонлама хабардор қилиб бориши керак.

Оммавий ахборот воситалари, фаол фуқаролар ва блогерларга шуни айтмоқчиманки, ваҳима уйғотадиган ёлғон маълумотларни тарқатмаслик керак. Ҳозирги вақтда давлат ва жамиятни тартибга солувчи ҳаракатларни амалга ошириш жуда муҳимдир. Фуқароларни фақат расмий ахборот манбаларига таянишга чақираман.

Мен қутқарувчиларга, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, кўнгиллиларга ва табиий офатга қарши курашда иштирок этган барчага шахсан миннатдорчилик билдираман. Бундай оғир пайтларда бирлашиш муҳимдир. Ишончим комил, биз ягона давлат, ягона халқ бўлиб ушбу офатни бартараф этамиз.

Akorda.kz.

## Обуна-2024

Қадрли газетхон!  
“Жанубий  
Қозоғистон”  
рўзномасига обуна  
бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий гурури юсак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.

6 ойга обуна баҳоси:  
«Қазпошта» ҲЖ орқали –  
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 65466



janubiy.kz

# Жанубий

# Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 9 апрель, сешанба, №39 (3385).

Жараён

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА



Қасим-Жумарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёев Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишди.

Қозоғистон Президенти Ислон тамаддуни ва мейморчилиги дурдонаси – Хива шаҳрида ўтган учрашувнинг рамзий аҳамиятига эътибор қаратиб, икки томонлама ҳамкорлик барча йўналишларда муваффақиятли ривожланиб бораётганидан мамнунлигини таъкидлади.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, эришилган келишувларни

амалга оширишда ҳар икки давлат ҳукуматлари фаол иштирок этмоқда. Тегишли “Йўл хариталари” режа асосида ҳаётга татбиқ этилиб, имзоланган ҳужжатлар ва савдо шартномалари юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Ўзаро савдо кўрсаткичлари юксалмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, унинг ҳажми 4,4 миллиард долларни ташкил этган. Саноат, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда сармоа ҳажми 2,5 миллиард доллардан зиёд бўлган 60та кўшма лойиҳани ўз ичига олади. Унинг доирасида 13 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. Халқаро саноат кооперацияси маркази қурилиши

лойиҳаси ҳам муваффақиятли давом этмоқда.

ҚР Президенти Қозоғистон ва Ўзбекистон дўстлиги ҳаётий заруратдан туғилганини, биргаликда ҳаракат ҳамда ҳамкорлик қилиш орқалигина мамлакатларнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мумкинлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Давлат раҳбари Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида 2034 йилгача бўлган стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик дастурини қабул қилиш ташаббусини кўллаб-қувватлади.

Учрашувда президентлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, энергетика, транспорт, сув ҳўжалиги, ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш каби иқ-

тисодий интеграциянинг турли масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Сухбат чоғида маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ноёб сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Қ. Тўқаев ва Ш. Мирзиёев минтақавий кун тартибини ва халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Шу жумладан, музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар.

(Давоми 2-бетда.)



## РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Арислик мактаб битирувчилари 20 йиллик тадбир доирасида ёлғиз онага бошпана ҳадя қилишди. Бундан ташқари, “Арис” хайрия жамғармаси номидан бошпана соҳибасига 500 минг тенгелик сертификат тақдим этилди. Шунингдек, битирувчилар номидан дастурхон ёзилди.

– Муборак Рамазон ойида кўп болали онага бошпана ҳадя қилишга қарор қилдик. Биз бу хайрли ишни бошлаб бердик ва уни келгуси йили навбатдаги мактаб битирувчилари давом эттиришди, – дейди битирувчилардан бири, шоир Нурлан Есенқулов.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



Бу ҳақда Туркистон вилоят маданият ва туризм бошқармаси раҳбари ўринбосари Ержан Исатаев маълум қилди.

Жорий йилда ҳам “Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти” мақомини олиш шарафига муяссар бўлган вилоятда “Санъаткор ўлка” минтақавий санъат фестивали давом этади. 12 апрель куни илк бор фестиваль пардалари Сайрам тумани бадий ҳаваскорлари томонидан очилади. Тадбир Туркистонда миллий санъатни ривожлантириш ва минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилмоқда. Ушбу фестиваль апрелдан сентябрь ойига қадар Туркис-

## САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ЙИЛ БЎЙИ ДАВОМ ЭТАДИ



тон шаҳрида ҳафтанинг ҳар жума ва шанба кунлари ўтказилади. Унда барча туман ва шаҳарлардаги бадий жамоалар ижросида маданий-маърифий дастурлар намойиш этилади. Бундан ташқари, рессом ва ҳунармандларнинг кўргазмалари ташкил этилади, – деди Ержан Ибадуллаули.

Шунингдек, брифингда иштирок этган вилоят Маданият ва халқ ижодиёти марказининг бадий раҳбари Асилхан Темирхан танловнинг талаблари ҳақида маълумот берди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Жараён

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги олтинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарликнинг бориши, шунингдек, C5+ шаклидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, Қозоғистон ва Ўзбекистон президентларининг музокаралари чоғида икки давлат темир йўл соҳасида қўшма корхона ташкил қилиши маълум қилинди.

Мазкур қўшма корхонани ташкил этишдан мақсад – Қозоғистон – Хитой чегарасидаги ва Ўзбекистондаги юк терминаллари-дан ўзаро манфаатли асосда Хитой – Қозоғистон – Ўзбекистон йўналишида юк ташишни ташкил этишдан иборат.

Мазкур лойиҳа ўзаро савдони рағбатлантириш ва юк ташиш ҳажмини ошириш, шунингдек, жанубий йўналишида ҳам юк ташиш имкониятини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратлади.

Қўшма корхона "Трансафгон" йўналишини ривожлантиришга йўналтирилди.

\*\*\*

Сўнг Қ. Тўқайев амалий ташрифи доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда қадимий Хива шаҳрининг тарихий марказидаги "Ичон қалъа" шаҳарчасига ташриф буюрди.

"Ичон қалъа" Марказий Осиёдан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган биринчи ёдгорликдир. Давлат тарихий-археология музей-қўриқхонасида 400га яқин уй-жой бинолари, олтимига яқин тарихий-меъморий ёдгорликлар ўрин олган.

Давлат раҳбарларининг шаҳарга ташрифи "Ота дарвоза" қопқасидан бошланди. Олий мартабали меҳмон шарафига ўзбек халқининг куй-қўшиқлари янгради, театрлаштирилган томоша намойиш этилди.

Сўнгра "Кўҳна Арк" мажмуаси, Шерғоziхон мадрасаси, Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси, Жума масжиди ва "Тош ҳовли" мажмуасида бўлишди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон президентлари хивалик ўрта аср шоири, маърифатпарвар, сўфий ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) макбарасини зиёрат қилиб, унинг руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилишди. Паҳлавон Маҳмуд макбараси ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва бошқа халқлар зиёрат учун борадиган муқаддас жой.

Akorda.kz.

»» Вилоят маслаҳати сессиясида

## ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА



Вилоят маслаҳатининг ижтимоий-маданий, давлат-ҳуқуқий, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ҳамда депутат этикаси масалаларига бағишланган доимий комиссиясининг мажлиси ўтди.

Комиссия мажлисида вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Тажибаев, комиссия аъзолари Х. Аширбеков, Б. Байғараев, Б. Сулейменов ва бошқалар иштирок этди.

Тадбирни доимий комиссия раиси А. Салимов олиб борди. Мажлисда вилоят диний ишлар бошқармаси раҳбари ва вилоят маслаҳати раисининг ҳисоботлари тинланди.

Тадбирда, шунингдек, вилоят маслаҳати депутати А. Дўсибаевнинг депутатлик ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш, Туркистон вилоят маслаҳатининг депутатларини сайлаш бўйича баъзи бир мандатли ҳудудий сайлов округларининг округ сайлов комиссияларининг чиқиш кетган аъзолари ўрнига сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

"Давлат-хусусий шерикчилик лойиҳалари бўйича давлат мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисида"ги Жанубий Қозоғистон вилоят маслаҳатининг 2017 йил 24 августдаги 14/172-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" ҳамда "Фуқароларнинг алоҳида тоифаларига амбулаториявий даволаш вақтида бепул доривор воситалар, махсус даволаш маҳсулотлари ҳамда тиббий буюмларни қўшимча бериш тўғрисида" вилоят маслаҳатининг 2021 йил 21 апрелдаги 5/48-VII сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам депутатларнинг эътиборидан четда қолмади.

Мажлисда саккизинчи қаҳриққ вилоят маслаҳатининг навбатдаги тўққизинчи сессияси ишчи органларининг таркиби бўйича таклифлар киритилди.

Туркистон вилоят маслаҳати.

## МУРУВВАТ – КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ

Арис шаҳридаги "Ысқақ" марказий масжидида "Рамазон савати" хайрия тадбири ташкил этилди. Ушбу ташаббус "Қолғабыс" жамоат жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Муқаддас ойга бағишлаб ўтказилган хайрия тадбирида Арис шаҳрининг бош имоми Қажимуқан Қазибоев ва саховатпарвар фуқаролар ижтимоий ёрдамга муҳтож 150 оилага озиқ-овқат саватларини тарқатди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари кўзи ожиз, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга берилди.

## ИНДУСТРИЯВИЙ МИНТАҚАЛАР СОНИ ОРТАДИ



## ҲОКИМ ЎРИНБОСАРИ ЎРДАБОШИДА

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев Ўрдабоши туманига хизмат сафари билан бориб, ижтимоий иншоотларга ташриф буюрди. Туман ҳокими Азат Уралбаев соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларининг фаолияти билан таништирди.

2009 йилда фойдаланишга топширилган Ўрдабоши туман марказий касалхонаси 285 ўринга эга, 400 нафар мутахассис ишлайди. Ушбу шифохона энди туманлараро миқёсда хизмат кўрсатади.

Бодом қишлоқ округидаги Дербес қишлоғида фельдшерлик-акушерлик станцияси ўтган йили фойдаланишга топширилиши керак эди. Бугунги кунда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди. Газга улаш масаласи ҳал қилинмоқда. У яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Хизмат сафари давомида тубдан таъмирлашга муҳтож таълим муассасаларининг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди. Ақбулақ қишлоғида "Бадастир мактаб" миллий лойиҳаси доирасида 300 ўринли таълим маскани барпо этилмоқда. У жорий йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши керак. Мактаб қурилиши вилоят ҳокими Дархан Сатибалдиннинг қатъий назорати остида амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими ўринбосари мутасаддиларга қурилиш ишларини пухта, ўз

Туркистон вилоятида сарможаларни жалб қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Ўрдабоши туманига хизмат сафари чоғида ушбу соҳадаги ташаббусларни яна бир бор пухталади. Хусусан, туманда иккита ишлаб чиқариш ҳудуди ташкил этилиб, «Бадам» индустриявий минтақаси 50 гектарга кенгайди.

Минтақа раҳбари дастлаб, Шубар қишлоғида ишлаб чиқариш ҳудудини ташкил этиш учун мўлжалланган 60 гектар ернинг лойиҳаси билан танишиб, инфратузилма ва ташкилий ишларни сифатли юрйтиш муҳимлигини таъкидлади.

– Барча туман, шаҳарда индустриявий минтақалардан самарали фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш ҳудудини очиб муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишдаги тадбирларни қучайтиришни топшираман. Ишлаб чиқариш иншоотлари ва корхоналарни ташкил этиш бўйича фаол ишлар юритилсин. Сарможалар жалб қилинсин. Ўз навбатида, биз сарможалар лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаймиз. Мегалополис яқинида жойлашган Ўрдабоши туманининг салоҳияти жуда юксак, – деди Дархан Сатибалди.

Вилоят ҳокими Ақбулақ қишлоғидаги «Бадам» индустриал минтақасига ҳам бориб, унинг майдонини 50 гектарга кенгайтириш лойиҳаси билан танишди. Агар ушбу лойиҳалар амалга оширилса, вилоятимизда корхоналар ва иш ўринлари кўпаяди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



вақтида ва сифатли бажаришни топширди.

Бейсенбай Даулетули туман ҳокимлиги биносига шахсий фуқароларни масалалари бўйича қабул қилди ва Ўрдабоши тумани аҳолиси билан учрашди. Унда янги мактаб ва поликлиника қуриш, қишлоқ клубларини тубдан таъмирлаш, спорт мажмуаларини ишга ту-

шириш ва халқаро турнирларни ташкил этиш каби масалалар тилга олинди. Мутасаддиларга тегишли таклифлар йўллашни топширган вилоят ҳокими муовини кўтарилган муаммолар қонун доирасида ҳал қилинишини маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга!

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ – АМАЛ ДАСТУРИ



Атиров шаҳрида Миллий Қурултойда муҳтарам Президентимиз нутқ сўзлаб, қатор ташаббусларини эълон қилди. Астана шаҳри ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҚХАнинг республика медиация кенгаши раиси, ҚР Президенти ҳузуридаги Миллий Қурултой, ҚР Маданият ва ахборот вазирлигининг Жамоат кенгаши, ҚХАнинг Илмий-тадқиқот кенгашлари аъзоси Шерзод Пўлатовнинг ушбу муҳим тадбир ҳақидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



– Шерзод Аббос ўғли, Президент Қасим-Жўмарт Тўқайевнинг қурултойда янграган ташаббуслари ҳақида фикрингиз қандай?

– Президентимизнинг бу галги нутқи ҳам илгари эълон қилинган ташаббусларининг узвий давомидир. Маърузаси «Адолатпарвар инсон – Ҳалол меҳнат – Муносиб даромад», деб номланди. Бу учта мафкура бўлиб, уларнинг аҳамиятини Давлат раҳбарининг ўзи ҳам, Миллий Қурултойнинг кўлаб аъзолари ҳам алоҳида таъкидлашди. Асосийси, бу учта муҳим таркибий қисм ўзаро шакллантирилиб, мамлакат ва жамиятни янада ривожлантириш учун хизмат қилади, деб ўйлайман. Масалан, иқтисодиётни юксалтириш учун унинг янги нуқталарини яратиш ва фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тўртта янги йирик инфратузилма ҳақидаги ташаббусларини

эълон қилди. Бунда гап 55та иссиқлик манбалари ва 6,5 минг қақирим иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, янги уй-жой дастурининг ишга туширилиши. Яъни, қишлоқлар ва туман марказлари аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари учун тўлов миқдори 7 фоиздан ошмаслиги, шунингдек, дастлаб ижарага берилиб, сўнгра харид қилиш имкони бериладиган уй-жой ҳажмини кўпайтириш масаласи.

– Қолган 2та инфратузилма-чи?

– Бу – бутун мамлакатда 12 минг қақирим йўлни таъмирлаш ва қуриш. Бу рекорд кўрсаткичи. Қолаверса, 1700 км. газ таъминоти тармоқларини янгилаш. Бунинг натижасида 300 мингдан зиёд фуқаро газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

– Ушбу ташаббуслар қачон амалга ошади?

– Бу кенг кўламли ташаб-

бусларнинг барчасини жорий йилда амалга ошириш режалаштирилган.

– Миллий Қурултой учинчи йиғилишининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат деб ўйлайсиз?

– Президент ўз нуқтаи назарини очиб баён қилди, асосий миллий қадриятлар рўйхатини эълон қилди: мустақиллик ва ватанпарварлик, бирлик ва ҳамжиҳатлик, адолат ва масъулия, қонун ва тартиб, меҳнат-севарлик ва касбий маҳорат, бунёдкорлик ва замонавийлик.

Илгари сурилган ташаббуслар келгуси йил учун ҳам, узоқ муддатли истиқболда ҳам кўп тадбирларга асос бўла олади. Фан ва таълим, маданият, ва ижтимоий-иқтисодий соҳада йирик лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Давлат раҳбари бешта асосий ижтимоий муаммоларни – гиёҳвандлик, қиморбозлик, оиладаги ўз-ўзини қантқилиш, исрофгарчиликни алоҳида қайд



эти. Ушбу ижтимоий иллатларга қарши кураш бўйича аниқ ҳаракат ва чоралар режасини ҳам баён қилди.

– Миллий қадриятларга ҳам тўхталди...

– Президент анъанавий миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга қақирди. Айниқса, халқимиз учун ёт қийим-кечакларни кийишга ва динимиз учун ёт оқимлар, шаклларга қаршиликни маълум қилди.

– Яна қайси ташаббусга алоҳида тўхталмоқчисиз?

– Давлат раҳбари, биринчилардан бўлиб, Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш масаласини кўтарди. Уруш қаҳрамонлари хотирасини ва умуман фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг тарихий хотирасини сақлаш мавзусига алоҳида эътибор қаратди. Сағадат Нурмағамбетов, Бауржан Мўмишвили, Раҳимжан Қўшқарбаев номи билан «Айбын» орденининг уч даражасини номлашни, шунингдек, Талдиқўрғандаги авиабазага икки қарра Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сергей Луганскийнинг номини беришни таклиф қилди.

Яна Президентнинг Устюрт платоси ва Манғистов ер ости масжидларини ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритиш ташаббусини алоҳида таъкидлаш жоиз.

– Сўхбат учун раҳмат, ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Н. МАВЛОНОВА.

»» Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 688 йиллигига

# БОБОЛАР МЕРОСИ – МИСОЛИ ҚУЁШ

9 апрель буюқ саркарда ва улкан империя асосчиси Амир Темур таваллуд топаган кун. Фурсатдан фойдаланиб, машхур аجدодимиз ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ҳавола этамиз.

Унинг тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарагай ибн Амир Барқул. 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шахрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган.

Амир Темур нафақат тарихимиз, балки бутун дунёда жуда катта ном қолдирган буюқ шахс, саркарда. Ўрта асрларнинг энг машхур афсонавий кўмондони, марказлашган йирик империя асосчиси.

“Соҳибқирон” сўзи арабчадан, саодатли, зафарли, ғолиб деган маъноларни англатади. Нухум (астрология) ва афсоналарда Зухра (Венера) – дўстлик ва меҳру муҳаббат туйғуларини инъом айлагувчи, Муштарий (Юпитер) – омаду иқбол, музафарият шодийналар сайёраси деб таърифланади. Шу икки сайёранинг бир буржда учрашган вақти саодатли лаҳзалардур, уни Қирон дейдилар. Шундай вақтда туғилган бола ўша Қирон соҳиб ҳисобланади. Бундай боланинг ҳаётда бахтли, улғу мартабалар эгаси бўлиши олдиндан башорат этилади. Шарафли унвон. Амир Темур Қўрагон ҳам шу унвонга мушарраф бўлган.

Амир Темурнинг олимларга бўлган муносабатидан ибрат оласак арзийди.

Соҳибқирон подшо бўлган илк кунларда икки зўр олимни синамоқ учун таклиф этди. Иккови ҳам энг етук алломалар эди. Уч отлик бир текис отларида равон кетаётган эдилар, олим Абу Саид Бараканинг оти илгарилар кетди. “Ўрни келди”, дея Амир Темур иккинчи алломага юзланди: “Таксир, бу Абу Саид Баракани жуда тақволи олим дейсизлар, мен подшо бўлсам, сиз аллома бўлсангиз, бизни менсимай, олдинга ўтиб кетди-ку?”. Аллома эса: “Шоҳим, бу кишига Аллоҳ шундай илм берганки, осмонга учиб кетмапти ҳалиям. Утирган оти ҳам бу инсоннинг улуглигидан осмонга учишга шай.

У билан замондош бўлганимизга шукр қилайлик ва Аллоҳга ҳамд айтайлик”, деди.

Отини бир қамчилаб, олимга етиб олган Амир Темур сўз бошлади:

“Бу зотни жуда аллома, авлиё, олим дейсизлар, бизни менсимай, бизга етиб олишни ўйламай, орқада келяптилар, бу қанақа одам ўзи”, дедилар.

“Амирим, бу инсоннинг илми шу даражадаки, ҳали ҳам ер-замин кўтариб турибди. Оти эса унинг тақвоси, илмини кўтара олмай, ортда секин юришга мажбур. Шундай одам билан замондош бўлганимизга Аллоҳга ҳамду сано, шукр айтайлик”, – деган жавоб янгради Абу Саиддан.

– Алҳамдулиллоҳ, – деди Амир Темур. “Олимларим аҳил экан, албатта, фуқароларим аҳил бўлади. Агар олимларим аҳил бўлмаса, фуқароларим ундан баттар бўлади. Энди бемалол юриш қилсам бўлар экан, энгилмайман”, – деди.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон мингдан ортик жангларида мағлуб бўлмади. Инсоният тарихида майдони жиҳатидан 26-ўринда турган буюқ империя – Темурийлар салтанати дунёнинг 27та мамлакатини ўз ичига олди. Зафар ҳамшиша Соҳибқирон қўлида бўлди.

Яна бир қизиқарли маълумот – у 1336 йил 9 апрелда туғилди, 1370 йил 9 апрелда 34 ёшида давлат бошига келди. 36 йил салтанатни бошқарди, 36 нафар ўғиллари ва набиралари бор эди. Соҳибқирон наслидан 36 подшоҳ ва шахзодага давлат бошқариш насиб этди.

Амир Темурнинг бунёдкорлик салоҳияти таҳсинга лойиқ.

“Амир Темур жонбоз бунёдкор эди, у ажойиб бог-роғли мухташам иншоотлар барпо этди, шаҳар ва қишлоқларни тиклади. Суғориш тизимларини барпо этди



ва таъмирлади, расмий тарих таъбирига кўра, у экин экишга яроқли бир қарич ерни ҳам бекор қўймасди”, деб ёзади машхур тарихчи олим В. Бартольд.

Бунёдкорлик Соҳибқирон даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатда боғлар яшнади, Гулбоғ, Боғи Дилқушо, Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Шамоқ каби обод масканлар шулар жумласидан.

Муслмон оламидаги меъморчиликнинг энг гуллаб-яшнаган даври Амир Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Шахрисабз, Қарши, Туркистон, Ўтрор, Ҳирот, Машҳад, Нишопур, Қобул ва бошқа шаҳарларда буюқ яратувчанлик ишлари олиб борилди. Ва улар жаҳон меъморчилигининг асл дурдоналарига айланди. Бир Самарқанддаги жоме масжид, Бибиҳоним масжиди, Шоҳизинда ансамбли (20та мақбара), Ғўри Амир мақбараси, Регистоннинг маҳобатидан таърифга сўз йўқ. Тошкентдаги Зағи ота, Шайхонтоҳур, Сузуқ ота иншоотлари, Шахрисабздаги Оксарой ёдгорлиги (71 метр), Ўтрордаги Арслонбоб, Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари, Ҳиндистондаги Тож Маҳал (Темур авлоди – Шоҳжаҳон қурдирган)лар “Ким бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган биноларга боқсин”, деган буюқ аждодимизга таъзим қилиб тургандек гўё.

Зарифа РЎЗИМЕТОВА.

## ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Амир Темур ва унинг авлодлари Марказий Осиё халқлари учун ўта бой тарихий мерос қолдирди. Бу мерос турли соҳалар ва йўналишларни ўз ичига олганлиги барчага маълум. Аммо масала бу мероснинг моддий ва маънавий жиҳатдан сақланиши, уни келажақ авлодлар учун етказиш ва айниқса, авлодлар изчиллиги, тарбияси йўлида қандай фойдаланиш-дир.

Темурийлар мероси шунчаки тарихий маълумотлар, музей экспонатлари, меъморчилик асарлари шаклида сақланиб қолмаслиги керак. Уларни асрлар оша бу ҳолатда сақлаб туришнинг ўзи жиддий масала, лекин бу меросни қимлар ва қандай қилиб сақлаши ҳақида ҳам жиддий қайғуришимиз керак. Мерос фақат моддий эмас, маънавий ҳазина ҳамдир. Нега?

Биз бугун ёшларимиз тарбияси оғирлашиб кетди, деган фикрдан йироқмиз. Ҳар бир замонда ўз замонасига мос ёшлар тарбиясининг муаммолари бўлган ва ҳозир ҳам шундай. “Бизлар бундай эдик, ҳозирги ёшлар эса...” деган фикрларни кўп эшитамиз. Бундан қарийб бир ярим аср аввал буюқ қозоқ мутафаккири Абай Қўнанбаев “Мен ёшларимиздан хафаман” шеърини ёзиб, ўз замонаси ёшларининг илмга, хунарга муносабатидан кўнгли тўлмаётганини таъкидлаган эди. Таниқли адиб Эркин Воҳидовнинг “Эҳ ҳозирги ёшлар, ҳозирги ёшлар!” шеърини ҳам эспайлик (Эркин Воҳидов, 1973).

Ҳозирги рақамли тараққиёт даври ёшлари руҳиятининг тарбия ишида мураккаблиқлар туғдирадиган жиҳатлар мавжуд (Звонов П.А., 2018). Виртуал воқеликда муомалада бўлиш ва оқибатда жонли мулоқотда муаммолар пайдо бўлиши, прокрастинация (ишни кейинга қолдириш), ҳаётий мақсадларнинг йўқлиги, қарама-қарши жонсдаги одамлар билан муомаладаги қийинчиликлар, социофобия, саросимага тушиш, виртуал ҳаётга “шўнғиб кетиш”, ижтимоий тармоқларнинг излаш тизимларига ишониб қолиш рақамли авлодга хос сифатлардир (Звонов П.А., 2018). Ёшларимиз Темурийлар ме-

росини билишлари, шунга нисбатан кадрият, қимматбахо мерос сифатида муносабатда бўлишлари зарур. Ўзбекистон мактабларида Темурийлар мероси яхши ўқитилаётгандир, аммо Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги туркийлар, хусусан, ўзбекларнинг ёш авлоди Амир Темур ва унинг авлоди, бизга қолдирган мероси ҳақида асосли ва кенг тушунарларга эга эмаслар.

Шўра ҳукумати тарқалгач, ҳамма ўз янги тарихини ёза бошлади. Мактаблардаги тарих дарсликларида бир-бирига мутлақо зид ҳодисалар, далиллар келтирилди бошлади. Мустиқиллик эйфорияси таъсирида ҳар биримиз ўз тарихимизни буюқларга кўтаришга интилдик. Авваллари бир халқ, бир эл бўлганлигимизни нутага бошладик. Айниқса, бу тарихий тадқиқотларда, унинг инъикоси – мактаблар ва олий ўқув юрларининг тарих дарсликларида яққол кўрина бошлади. Янги қахрамонлар пайдо бўлди, эскилари “лойга қорилди” ёки унутилди. Бир замонлар номлари ўчирилган шахслар қахрамонларга, бурунги қахрамонлар “радди маърака” – эътибордан қолган одамларга айландилар. Янги тарихни яратиш учун эскини, тарихни қаттиқ танқид остига олиш усуллари авж олди. Темурийлар тарихини ўрганишга бундай муносабат айнаи шу 1990-йилларда вужудга келди.

Тўқсонинчи йилларда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришда янги фикрлаш қолиплари вужудга келди. Россия империяси, Совет Иттифоқи ва постсовет давридаги Темурийлар тарихига доир барча манбаларни, улар ким томонидан ва қандай мақсадда, кўз қарашларга асосланиб ёзилсада, қимматли илмий-амалий манба сифатида қабул қилиниши, бизнингча, Амир Темур ва унинг авлоди меросига, уни ўрганишга бел боғлаган барча инсонларга ҳурмат сифатида баҳоланади. Ёшларимизни ҳам тарихини “бир ёқлама баҳолашга” одатлантирмаслигимиз зарур, деб ўйлаймиз.

Агарда тарихий шахсни мақтайверсак, унда ўқувчиларимиз учун унинг салбий томонларига

доир кичкина бўлса ҳам маълумотларни ўқиш ундан бир неча қарра қизиқарлироқ бўлади. Нима яширилса, ёшларга шу нарса қизиқ, керак бўлса, ишончли бўлади. 1980-йилларнинг охири, 1990-йилларнинг бошларида Тошкентдаги газета дўконлари олдида эрталаб навбат кутган одамларни бир эсланг. Улар “қайта қуриш” даврининг ошқоралигига ишониб, газеталардан авваллари айтилмаган ва ёзилмаган ҳақиқатларни ўқишга шошардилар. Ёзувчи Одил Ёқубов бир мусохабасида ўзи муҳаррирлик қилган, авваллари ҳеч ким ўқимайдиган газетанинг ўша йилларда 800 мингдан зиёд нусхада чоп этилганлигини айтган эдилар.

Биринчидан, Темурийлар мероси ёшларимизнинг тарихий онгини шаклланиши учун жуда катта таъсир этувчи манбадир. Аждодларимиз тарихини билиш, унга замонамизнинг ижтимоий тафаккури ва ўз дунёқарашимиз доирасида тўғри баҳо беришга ўрганишга ўтмишгагина эмас, келажақка нигоҳ, умид ва ишонч бағишлайди. Ёшларимиз қалбида тарихимиз, аждодларимиздан фахрланиш ҳиссини уйғотади.

Иккинчидан, Темурийларнинг жаҳон илмига ва Марказий Осиёда илм-фан ривожланишига қўшган ҳиссалари ёшларимизнинг билиш, излаш ва ижодга рағбатини кучайтиради. Эсимда, 1970 йилларда математика ўқитувчимиз Шарофиддин Қодиров деярли ҳар бир дарсда Ўрта Осиё мутафаккирлари тўғрисида айтиб берардилар, уларнинг асарларидан цитаталар келтирар, шеърларини ёд олиб берар эдилар. Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Умар Ҳайём, Мирзо Улугбек, Пахлавон Маҳмуд каби тарихий шахслар ҳақида тарих дарсларида эмас, математика дарсларида яхшироқ билиб олганми. Мактабда юқори синф ўқувчиларидан ёки университетнинг биринчи курс студентларидан Темурийлар ва уларнинг фанга қўшган ҳиссаси ҳақида сўрайман.

Темурийларнинг ҳарбий мероси ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Совет даврида Амир Темур ва унинг авлодларининг



тарихдаги ўрни ва ролига асосан салбий баҳо берилсада, унинг кўп қиррали ютуқлари ва тарихий хизматини ҳаққоний баҳолаган олимлар ҳам бўлган. Масалан, таниқли совет тарихчилари академик Б.Д.Греков ва Ю.А.Якубовский 1950 йилда чоп этилган “Олтин Ўрда ва унинг кулаши” китобида Амир Темурни “ақлли ва узқни кўра оладиган сиёсатчи” сифатида таърифлаганлар, айниқса соҳибқироннинг “ҳарбий-ташкilotчилик талантини” ўзгага атаб кўрсатганлар

Биз XXI асрда яшяяпмиз. Замонамизда адолат, тинчлик, фаровонлик учун кураш фақат тинч-тотувлик, ўзаро келишув, ижодкор меҳнат, ўқиш ва излаш стратегиялари орқалигина амалга ошири зарурлигини ёшларимиз онгига эрта болаликданок сингдириб боришимиз керак.

Темурийлар тарихи – бу тарих. Тарих сабоқларидан тўғри хулосалар чиқариш доимо долзарб масала бўлиб келган. Бу муаммо жамият даражасида ҳам, оддий инсоннинг тарихий онги ва дунёқарашидан даражасида ҳам умуминсоният манфаатлари, умуминсоний кадриятлар нуқтаи назаридан ҳал этилиши лозим деган фикрдаимиз.

Неъматжон АЛМЕТОВ,  
М. Аюезов номли Жанубий Қозоғистон тадқиқотчилик университетининг профессори, педагогика фанлари доктори.

(Мақола жузъий қисқартиришлар билан берилди).



Туркистон  
тумори

1402 ЙИЛИ СОҲИБҚИРОН  
АМИР ТЕМУР РУМ ЮРИШИ  
ОЛДИДАН ТУРКИСТОН  
ШАЙХЛАРИГА ТУМОР БИТИБ  
БЕРИШЛИКНИ АМР ҚИЛГАН ЭДИ

Амир Темур амри: «Шайланг отимни, Зиёрат этгумдир улуг зотимни. Яссининг ифори тарар хуш-анбар, Кўнлимга ёлқинлик солар хушхабар, Доншманд Шайхлар битсинлар тумор. Кўксимда кўз очмиш, улугвор қарор, Ал-омон туркий эл, бўлсин зулфиқор. Турон эл бирлиги бўлсин ифтихор, Тарқоқлик бизга ёт, бу юрт нуфуздор. Муборак қадамлар қилдик ихтиёр». Манзил аниқ эди, анча илзари. Сарлочин парвозли, ғолиблик сари, Шунқор наевкарларнинг шахдини хушлаб, Руҳ бериб, Рум томон кўшини бошлаб. Жаҳонгир тилига тиловат кўнди, Пичирлар: «Султоним, кўллагин, энди!» Ёвқур хос аскарлар шердек бостириб, Лочин қанотларин 40 газ ўстириб. Қийиб кўйди «хуфия усулли» жангни, Яшиндек чўчитди аҳволи тангни. Сувлигин чайнаган тулпорлар учмиш, Этигин ечмайин йиғит сие кечмиш.. Талофатсиз битим, юз бурган замон, Қўл-қўлла бирлашган эл- юрт фаровон. Саркарда наздича асради кўп бор, Аллоҳнинг каломи битилган тумор. Яссавий ёдиға лойиқ минг қарра, Ихлос-ла уч йилда қурмиш мақбара. Ёлчилик риштасин боғлаб бунёдкор, «Ипак йўл»ни қайта тиклади меъмор. Йигирма етти юрт этилиб ишғол, «Темур тузукларин» битди ижодкор. Холдек тарих ҳусни буюқ ҳиммати, Бир кам ўттиз қаср Темур тийнати. Одил сиёсатчи-фозил Шоҳсувур, Ҳақиқат жарчиси-доно халоскор. Ўтқир нигоҳида балқиган нурин, Худо тўқис битмиш, ақли шуурин, Сипоҳлар шаевқ олиб, ғайри кучидан, Матонатин тоблар ичи-ичидан. Кўрагон кўксини юксалтган орзув, Туркийзабон эллар умр сурсин тотув. Оқибат пурвиқор хур миллат бўлсин, Адолат устувор, зўр давлат бўлсин. Нур Туркистон – туркий олам гавахари, Ҳақ йўлда Яссавий доно раҳбари. Сахийлари кўрки, аъло камтари, Фахр индиар, зукколар музаффар. Не бахт, туркийлар Темурийси бор, Элдошу, дилдошлар учун фахриёр. Бир соғинч қуйилар беқарор бедор, Қаерда қолдиқин, табаррук тумор?!

Ойтўти РЕЖАМЕТОВА.



## ЭЙ ТУРКИСТОН...



Эй Туркистон, кўзингни оч,  
адолатнинг уругин соч,  
Бирлик томон қадаминг бос,  
сиғинганинг бўлмасин хоч!

Ўтди дундан бобокалон,  
Амир Темур буюқ ҳоқон,  
Бурмоқ бўлиб башар аҳлин  
показалик - иймон томон.

Умидлари олам жаҳон, туркийларга бўлди сарбон,  
Яссавийни пири қалон билди ҳар он, ҳар бир қачон.

Ҳожа Аҳмад мақбарасин қурмоқ бўлди дилга ишонч,  
Деди: «Қолсин устоз учун то охираат бўлиб нишон».

Деди Аҳмад: «Тушда аён, Арслонбобда сўйинг бир жон,  
Унга қуринг аввал макон, сўнгра бергай бизга имкон!»

Қурилди шоҳ қошоналар, нурун сочар фавворалар,  
Эътиқоднинг йўлин очди, эл-юрт бўлмади оворалар.

Келиб-кетар барча инсон, бўлиб бунда беш кун меҳмон,  
Тандан чиққач, бу ширин жон, йўлинг тушар, узлат томон.

Ўтрор узра топширди жон, руҳи ўтди Аршга томон,  
Орзулари яқун топмай доғда кетди соҳибқирон.

Туркистонда ўша макон, унутмади иймонли жон,  
Ўтса ҳамки, қанча замон, номин дерлар: «Темурлон».

Эвоҳ, дилим ёнар мудом, бунда йўқдир, оддий эҳром,  
Бизким, ҳоқон мулки Турон, наҳот қийин иззат-икром?!

Ҳой, авлодлар Туркийзабон, ўтар йиллар, ўтар замон,  
Аждодини унутган жон унут бўлар ўтгани он!

Абдурауф АБДУҒАФФОР.

»» Туркистон шаҳар оқсоқоллар кенгашида



Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, кўп йиллар қурилиш ташилотига самарали раҳбарлик қилган Абдихан Абдиқадиров бошчилигидаги ҚХА шаҳар оқсоқоллар кенгашида вилоят тараққиётига ҳисса қўшган ҳамюртларимиз эл бирлиги, юрт фаровонлиги йўлида жамоат ишлари билан машғул.

## РАИС МУОВИНИНИ МУБОРАКБОД ЭТДИ



Шаҳардаги учта этномаданият бирлашмалари раислари ҳам айнан мана шу ташкилот таркибиде. Оқсоқоллар кенгаши раиси Абдихан Абдиқадиров етакчилигида турли байрам тадбирларини уюшқоқли нишонлаш баробарида муаммолар ҳам ижобий ҳал бўлганининг кўп марта гувоҳи бўлганмиз.

Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида раис Абдихан Абдиқадиров биринчи муовини, илгари ремонт-механика корхонасига самарали раҳбарлик қилган Дилмурод Жамоловга 75 ёшга тўлиши муносабати билан кенгаш аъзолари Абжаппар Садуақасов, Тўрехан Жумаханов, Бахадир Сержановлар иштирокида ташаккурнома тақдим этиб, соғлиқ-сало-



матлик, эл бирлиги йўлида хормай-толмай меҳнат қиллаверилиши тилади.

Дилмурод Жамолов ҚР Мустақилликка эришганида 42 ёшда, шунингдек, қарийб минг киши меҳнат қилади-

ган, маҳсулотларга давлат сифати белгиси берилган донгдор ремонт-механика корхонасининг собиқ раҳбар Иван Николаевич Ткаченкодан кейин самарали бошқарган энг ёш директор

сифатида шаҳар тарихида қолди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

## ТЕМИРҲҲҲ ТАРМОҒИ ЗАРУР



Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Собиржон Исҳоқов раҳбарлик қилаётган "Гранд Микс" МЧБ жамоаси рўзгорбоп сифатли мебель ишлаб чиқариш бўйича вилоят ҳамда республика миқёсида ажойиб меҳнат ютуқларига эришиб, пировардида ҚР Президентининг махсус мукофотиға ноил бўлган.

Яқинда Туркистон индустриявий минтақасида саноат ва қурилиш вазири, шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари, кўплаб тадбиркорлар иштирок этган нуфузли йиғилишда "Гранд Микс" директори ўринбосари Мадиҳон Собиров сўзга чиқиб, индустриявий минтақадаги барча корхона ва тадбиркорлар учун муштарак муаммога тўхталди. Яъни, ишлаб чиқариш учун зарур хомашёларни келтириб, тайёр маҳсулотни жўнатишда ҳаводек зарур темирйўл тармоғи ҳанузгача ишга туширилмаган. Корхона бош энергетиги Валихон Маматраимов ҳам муаммонинг тезроқ ҳал этилиши корхона маблағини тежаш имконини беришини баён этди.

Айни пайтда ушбу корхона зарур ашёларни олиб келиш, тайёр маҳсулотларни жўнатишда шаҳардаги собиқ темирбетон буюмлари корхонасига қарашли темирйўл тармоғидан ижара эвазига фойдаланишга мажбур. Ушбу масала юзасидан аниқлик киритиш учун меҳнат фахрийси Комилжон Йўлдошевга мурожаат этдик. Уз вақтида ушбу муаммо билан кўп шуғулланган, кўп жойларга мурожаат этган меҳнат фахрийси К. Йўлдошев мазкур масала пишиб етилган бўлса ҳам, ижобий натижа ҳамон йўқлигини таъкидлади. Муаммони шаҳар, вилоят кўламида мазкур мутасадди ташкилотлар олдиға тахририят орқали қўйиб, ижобий ечимига эришишга ҳаракат қиламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: М. Собиров ва В. Маматраимов.

Муаллиф суратга олган.

»» Инсон меҳнати билан улғ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорлик иқтисодийетимизнинг асосига айланди. Билим, шижоатли, давр талабига мувофиқ пухта иш тутадиган ишбилармон йигитларнинг даври келди.



Таниқли тадбиркор ҳамқишлоғимиз, мөн кўп йиллар ўқитувчилик қилган М. Улуғбек номли мактабни, сўнгра А. Яс-

савий номдаги ХҚТУни ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича муваффақиятли тамомлаган Анварбек Расулов тимисиз меҳнати, билими, салоҳияти ҳамда зийраклиги ила том маънода Янги Иқон қишлоғи, ҳамда Саврон туманининг фахрига айланди.

Меҳнат фаолиятини 2009 йили пойтахт шаҳар Астанада ички ишлар ва зирлигига қарашли ҳарбий бўлимда бошлади. 2017 йилдан Туркистон шаҳри бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлади. 2019 йилдан

Саврон туманида хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат фаолиятини самарали давом эттирмоқда.

2023 йили ҚР кичик ва ўрта бизнес тараққиётига муносиб ҳисса қўшгани учун "Янги Қозоғистоннинг пешқадам 100 тадбиркори" энциклопедиясига таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти баёни ила киритилиб, "Янги Қозоғистоннинг пешқадам тадбиркори" ҳайкалчаси ҳамда "Қозоғистон Республикасининг пешқадам тадбиркори" кўрак нишонини билан тақдирланди. Анварбек Шавкат ўғли

бир неча хусусий деҳқон хўжалиги ва тадбиркорлик корхоналарига самарали раҳбарлик қилмоқда.

Кўплаб янги иш ўринларини яратган саховатли инсон, қадрдон "Жанубий Қозоғистон" газетасининг фаол обуначиси бўлган тадбиркорга мустаҳкам саломатлик, ишларида омад ҳамда янги зафарлар тилаймиз.

Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,  
Янги Иқон қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,  
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.



»» Бир туман хабарлари

## ҲАМҲҲҲМИЗНИНГ ЮТУҒИ

Қарағанди шаҳрида ногиронлар ўртасида стол теннисидан республика очиқ чемпионати ўтди.

Унда иштирок этган ҳамюртимиз, Қозоғистоннинг бир неча бор чемпиони Тўймурод Эшимов муваффақият қозониб, жами учта медални кўлга киритди. Жаммо таркибиде 2-ўринни эгаллаган Т. Эшимов "Ўздиқ теннисшы" медални билан тақдирланди.

И. АБДУКАРИМОВ.

Тасвирда: мусобақа голиби Тўймурод Эшимов тақдирланмоқда.



Тўлебий туманининг Маданий қишлоғида «Бандлик-2025» давлат дастури доирасида кўприк ва йўллар қурилди. Қишлоқда фахрийлар ва ёшлар хиёбонлари ҳам пайдо бўлди.

Сарқирама қишлоғида эса маданият уйи тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. 300 ўринли мажмуада 15000та китоб жамғармасига

эга кутубхона ҳам бор. 20 ўринли мутолаа зали, интернет клуб, кинозал ва рақс майдони қишлоқ ёшлари хизматида. 2000 одамга хизмат кўрсатадиган икки қаватли қишлоқ тиббий ёрдам пункти фойдаланишга топширилди.



## ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМ

Бу ерда 15 ўринли кундузги шифохона ҳам мавжуд. Кўни кеча қишлоқ тадбиркорлари маблағига барпо этилган спорт майдончаси ҳам тантанали равишда очилиб, фойдаланишга топширилди.

Ленгер шаҳрида барпо этилган Мустақиллик майдони, истироҳат боғлари, "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи, хиёбонлар ва турли спорт мажмуалари ана шундай улкан ишлар ифодасидир.

Шаҳарда транспорт инфраструктурасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракати учун қулай шароит яратиш мақсадида кўчалар кенгайтирилиб, кўприклар қурилмоқда.

Ленгер шаҳрида ёшлар вақтини қизиқарли ва мазмунли ўтказишлари учун ҳам шароитлар яратилмоқда. Сайёҳ-



ликни ривожлантириш мақсадида эса кенг қамровли тадбирлар олиб борилмоқда. Бурғулик, Нисанбек овуллари, Қасқасу қишлоқларида янги дам олиш ўринлари қад ростламоқда.

Ленгердаги 5- ва 1-сонли

шахслар" жамоат бирлашмаси раиси Тўлқин Каримшиқов ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Б. РЎЗИМАТОВА.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.  
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетсай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Сарыогон – Малика ЭЛТӨЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

Мақоалалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир.  
Фойдаланилмаган мақоалаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирилик томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
КЗ34УР00022503 сувоҳнома берилган.  
«ERNUR-online» МЧБ Босмаҳонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бирорма:  
841.

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

841.